



КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 237 (5586).

2

ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ БУЛИБ УТ-

ДИ. ПЛЕНУМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ УРТОҚ

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КПССНИНГ НАВБАТДАГИ XXV СЪЕЗДИ МАСА-

ЛАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДИНИ, ШУНИНГДЕК СССР ХАЛҚ ХУЖАЛИ-

ГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАРНИ ТИНГЛАДИ ВА ШУ

МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

ПЛЕНУМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КАТТА НУТҚ СЎЗЛАДИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1975 йил 1 декабрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум КПССнинг навбатдаги XXV съезди масалалари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг докладыни тинглади.

Пленум тегишли қарор қабул қилди, бу қарор бугун матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленум «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 йилги Давлат плани тўғрисида» СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ

Н. К. БАЙБАКОВнинг ва «СССРнинг 1976 йилги Давлат бюджети тўғрисида» СССР молия министри ўртоқ В. Ф. ГАРБУЗОВнинг докладыни тинглади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ катта нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ана шу масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди, бу қарор ҳам матбуотда эълон қилинмоқда.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1975 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXV СЪЕЗДИ МАСАЛАЛАРИ

1. КПССнинг навбатдаги XXV съездининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги навбатдаги вазифалари — доклады КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ.

2) КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи — доклады ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.

3) СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976-1980 йиллардаги асосий йўналишлари — доклады СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин.

4) партия марказий органларини сайлаш.

2. КПСС XXV съездида вакиллик нормаси 3000 партия аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

3. КПСС XXV съездининг делегатлари партия уставига мувофиқ область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқдош республикалар компар-

тияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланадилар. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон компартияларида КПСС съездида делегатлар область партия конференцияларида сайланади.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички қўшинлар ва чегара қўшинларининг партия ташкилотларида ҳисобда турган коммунистлар КПСС XXV съездида делегатларини тегишли территориялар

партия ташкилотлари билан биргаликда область, ўлка партия конференцияларида ёпиқ иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларида сайлайдилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг чет эллардаги қисмлари партия ташкилотларида ҳисобда турган коммунистлар КПСС XXV съездининг делегатларини тегишли Ҳарбий қўшилмаларнинг партия конференцияларида сайлайдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1975 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА СССРнинг 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 йилги давлат плани ва СССРнинг 1976 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқулансин ва бу лойиҳалар СССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига киритилсин.

5.000.000 тонна

«Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитетининг плenumsининг қарорларини амалга ошира бориб, бу йил оби-ҳаво шароити юқуқда нолғиш ва мислсиз сув таъминисига қарамай, КПСС Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг натта ердани билан мўл ҳосил етиштирилди, пахта термини уюшқоқлик билан ўтказдилар ва беш миллионли маррага етиб, давлатга пахта сотиш юзасидан берилган топириқни муддатидан илгари бажардилар.

Ўзбекистон пахтакорлари жонажон Коммунистик партиянинг XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мамлакатимизнинг қардош халқлари олдидаги интернационал бурчларини шараф билан бажардилар — Ватан хирмонига 5 миллион тонна — халқ хўжалик планига мўлжалланганидан 280 минг тонна кўп пахта топиридилар. Биринчи марта 237 минг тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Бу — халқ хўжалик планига нисбатан 112,9 процентини ташкил этди ва 1974 йилдагидан 50 минг тонна ортиқдир.

Сурхондарё областининг деҳқонлари ингичка толали пахта етиштиришнинг қўлайлигида ажойиб муваффақиятларини қўлга киритдилар. Улар ана шу зимматли ҳом ашёнинг илми ҳосилини 163 минг тоннага етказдилар ёки ўтган йилдагидан 27 минг тонна кўпроқ ҳосил олдиди, халқ хўжалик планини 113,2 процент ада етдилар.

Шу беш йиллик даврида мамлакат Ўзбекистондан 24,5 миллион тонна «оқ олтин», яъни халқ хўжалик планига кўзда тутилганидан 2,3 миллион тонна кўп пахта олди. Тўққизинчи беш йилликда аввалги беш йилликдагига нисбатан 4,6 миллион тонна ёки 23 процент кўп пахта етиштирилди.

Меҳнат талабаси оғир ва қаттиқ курашда қўлга киритилди. Пахтакорлар илгари ҳам оби-ҳаво қийинчиликларида дуч келиб туришар эди. Аммо бу йил қишлоқ хўжалиги учун жуда ҳам юқуқда келди. Деҳқонларга сув таъминисини орасида рўй берган бўлди мислсиз қийинчилиқни, биринчи марта баргараф қилишга тўғри келди. Қариб 700 минг гектар майдонда, ушбу йилдан 240 минг гектар майдонга кайтадан чийил экилди. Ушбу д-вом этган қўроқчилик, 50 градусли гарисел ҳосил учун курашини гоят мушкуллаштириб юборди. Бир қанча районларда гўза тулланининг ўрта қисмида ҳосил етилмади, сув етишмаганлиги орасида неча ўн минглаб гектар

майдондаги гўза тамомла нобуд бўлди. Куз фаслида, пахта терими қизиб кетган бир пайтда табиат янги қийинчилиқларни вужудга келтирди — даладари кўп ёмғир ва қор ёғиб турди. Йилнинг шу мавсумида бундай аҳвол илгари деярли учрамас эди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мўл ҳосил учун кўнг билан олиб боришдан курашда республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига доим жуда натта ердан ва мадд бериб турдилар. Бутун мамлакат деҳқонларга қўмақлашди. Москва, Ленинград, Россия Федерациясидаги ва бошқа қардош республикалардаги кўп корхоналарнинг меҳнаткашлари ер қазийдиган техникани, ирригация объектлари учун керакли қувур, электр ускуналар, насос ва цементни тайёрлаб, дарҳол етказиб бердилар.

Республика пахтакорлари ана шу ерданга таъиниб, гўза парварлигини кучайтирдилар, сувнинг ҳар литридан, ўғитдан мақсадга мувофиқ фойдаландилар ва шундай бир шаронда барча даладари қаҳрамонона меҳнат қилиш, юксак маҳорат кўрсатиш ва илми нухта уюштириш туфайли мўл ҳосил олишда катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳар гектардан ўрта ҳисобда қариб 30 центнердан пахта олинди. Хоразм областидаги қолхоз ва совхозлар ҳар гектар ердан 39,5 центнер, Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Наманган областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари, республиканинг 27 районидидаги хўжаликлар 30—35 центнер, 22 районидидаги хўжаликлар эса 35—40 центнердан пахта етиштирди. Тўртқўл, Амударё, Хонда, Урганч, Янги-арик, Бобоғ, Гўрлан, Шовот, Хива, Қўшқўллар, Денов, Саркосён, Шўрчи, Пахтачи, Беруний, Пахтабод, Нобоскан ва бошқа районлар шунлар жумласидандир. Жарўзгон райони эса ҳар гектар ердан 34,5 центнер, Термиз райони 31,1 центнер ингичка толали пахта етиштирди. Янгийўл районидаги «Коммунизм», Хонда районидаги Охунбобоев номи, Денов районидаги Охунбобоев номи, Шўрчи районидаги «Ленинбод», Пастдарғом районидаги К. Маркс номи, Тўртқўл районидаги М. Горький номи, «Коммунизм», Охунбобоев номи, «Коммуна», Беруний районидаги Оржоникидзе номи, «Правда», «Ленинизм», Навоий номи қолхозлар ҳар гектар ердан 45—50 центнер «оқ олтин» олдилар, неча юзлаб пахтачилик бригадалари эса гектар бошига 55—60 центнер пахта ҳосили олишга муваффақ бўлдилар.

Республикадаги районлар, қолхозлар ва совхозларнинг гоят қўнчилиги пахта етиштириш ва давлатга топшириш юзасидан беш йиллик топириқларини анча ошириб бажарди.

(Давоми 2-бетда).

430.000 тонна

ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пойтахт Тошкент областининг қолхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, партия, совет, касба союз, комсомол органлари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлов ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини меҳнатда эришилган катта талаба-давлатга пахта сотиш юзасидан 1975 йилги социалистик мажбуриятларининг бажарилишини билан саясий кутлайдилар.

Тошкент областининг пахтакорлари фан ва илгор практика ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб, техникадан юксак унумли фойдаланиб, пахта ҳосилини йилги-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга 430 минг тонна пахта сотдилар. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани 116,2 процент бажарилди, пландан ташқари давлатга 60 минг тонна «оқ олтин» топириди, ҳосилининг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Тошкент областининг пахтакорлари бу йилги оғир шаронда мўл ҳосил етиштириб, ҳар гектар ердан 30,5 центнер хирмон кўтариб, Қўйи Чирчиқ районининг хўжаликлари гектар бошига 41 центнердан, Юқори Чирчиқ районининг хўжаликлари 38 центнердан, Янгийўл районининг хўжаликлари 35,2 центнердан, Чиноз районининг хўжаликлари 34,5 центнердан ҳосил олдилар.

Меҳнаткорлар область хўжаликлари давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришларида катта ҳисса қўйдилар. Бутун ҳосилининг 72 процентдан кўпроги ёки 309 минг тонна пахта терим машиналари бўвурларидан тўқилди. Областдаги бир қанча районларда пахтаи машина билан терим салмоғи 77—86 процента ет-

ди, область пахтаи машинада, терим планини 112,3 процент бажарди.

Областдаги барча районларнинг пахтакорлари бу ажойиб меҳнат талабасига муносиб ҳисса қўйдилар, жумладан ўрта Чирчиқ райони хўжаликлари давлатга 63,7 минг тонна, Бўна райони хўжаликлари 59 минг тонна, Бекобод райони хўжаликлари 58 минг тонна, Оққўрғон райони хўжаликлари 54 минг тонна, Қўйи Чирчиқ райони хўжаликлари 49 минг тонна, Янгийўл райони хўжаликлари 40,4 минг тонна, Пискент райони хўжаликлари 36,2 минг тонна, Чиноз райони хўжаликлари 34 минг тонна, Юқори Чирчиқ райони хўжаликлари 32,4 минг тонна пахта сотдилар.

Бу муваффақиятга Тошкент областининг пахтакорлари, меҳнаткорлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мухтассислари, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳамда область партия, совет, касба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борагилари туфайли эришилди.

Шаҳарлар ва район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар пахта ҳосилини йиғиштириб олишда катта ердан бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бутун етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай йиғиштириб оладилар, ерларни ўз вақтида шудгорлайдилар, негусен йил ҳосили учун агротехника тадбирларининг бутун комплексини бажардилар, чорва қишлоқнинг уюшқоқлик билан ўтказдилар ва КПСС XXV съездини меҳнатда йиғишдан-янгил муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЗАФАР МУБОРАК!

МЕҲНАТИМИЗ ҚУВОНЧ КЕЛТИРДИ

ОБЛАСТИМИЗ 430 минг республикамизда 5 миллион тоннадан улкан хирмон кўтарилганлиги турғисидаги хушхабар беҳад қувонтириб юборди.

Айниқса, 85 бўйи пешона тери тўққан ва ҳар бир ниҳолни парварши қилган пахтакорлар бу ғалабадан ҳақли равишда фخرланмоқдалар.

Республикамиз эришган ғалабада бизнинг ҳам оғ бўлса-да ҳиссамиз бор. Колхоз пахтакорлари она-Ватан хирмонига 2603 тонна «оқ олтин» армуғон этди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 40,65 центнерданга тўғри келди. Бу ўтган йилги ҳосилдан гектарига 3 центнер кўндр.

Колхозимиз аъзолари тўққизинчи беш йилликнинг якуновчи йилида умумхалқ мусобақасига қўшилиб, ҳар қачонгидан кўра астойдил меҳнат қилдилар. Баҳорда нам бўлмаганлигини ҳисобга олиб чипит суви беришни барвақт бошлаб юборди. Намгарчилик бўлишини кўтиб ўтирмади. Шунинг учун чипит тез ва бир текис ундириб олинди.

Колхозчиларимиз ҳосил кўчатдан чиқяшини ҳисобга олиб, ҳар бир ниҳолни авайлаб, агротехника қондаларига тўла риоя қилган ҳолда парварши қилдилар. 60х15, 60х17 схемада экилган майдонларнинг ҳар гектаридан пахта терими бошлангунга қадар 102 минг тўндан кўчат сақлаб қолинди.

Ўза парварши қандай уюшқоқлик билан олиб боришдан бўлса, пахта терими ҳам худди шундай уюшқоқлик билан ўтказилди. Колхозимизнинг азамат пахтакорлари, механизаторлари халқ ҳўжалик планини 9 октябрда бажариб, дастлабки дивондан ошдилар. 1 ноябргача эса 2500 тонна пахта топишиб, социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Ҳар гектар ердан йнгиб олинган ҳосил 38,5 центнерданга етди.

Лекин, даладаримизда ҳосил сероблигини ҳисобга олиб социалистик мажбуриятни бажарган қўнимиз «Хосилдорликни 40 центнердан оширамиз», деб ваъда берди. Сўзининг устидан чиқди. Давлатга 2603 тонна пахта сотилди, гектаридан 40,65 центнердан ҳосил олди.

Айрим бригадалар аъзолари ҳосилдорликни анча юқорига кўтардилар. Толибқон Тоқибоев бошлиқ бригада гектаридан 43,8 центнердан, Бўсин Темиров, Абдурахим Қиреидов, Абдулқабир Акбаралиев бошлиқ бригадалар аъзолари 43,8—42,4 центнердан ҳосил олиб, катта натижани қўлга киритдилар. Ҳўжалигимизда энг кам ҳосили ҳисобланган Хонжақар Хожимирзаев бошлиқ бригадада ҳам ҳосилдорлик 35 центнерга етди.

Давлатга сотилган пахтанинг 2191 тоннаси I сортга, 91 тоннаси иккинчи сортга, 146 тоннаси учинчи ва 175 тоннаси тўртинчи сортга қабул қилинди. Умуман қатъий пландан таъқари давлатга 887 тонна пахта сотилди. Шу тўғрйли ҳукумат қарорига мувофиқ пландан ортиқ топирилган пахтага бир ярим баравар қўшимча ҳақ тўланди. Биз шундан 173800 сўм қўшимча даромад олдик. Шу тўғрйли ҳар бир колхозчи ишлаган қадардан таъқари ўрта ҳисобда 170 сўмдан қўшимча пул эгаси бўлади. Партия ва ҳукуматимизнинг бундай раҳмўрликларидан колхозчилар беҳад миннатдордирлар.

Колхозимизда пилла, гўшт, сут, полиз, картошка етиштириш планлари ҳам ошгани билан адо этилди. Биз тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида шундай ғалабаларга эришиб, шу улўғ айёмга етиб келдик. Биз бу ютуқларни янада мустаҳкамлаймиз.

Ф. МАДАЛИЕВ,

Янгиўл районидаги Назарали Нийзов номида колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

АХДИГА ВАФОДОРЛАР

Самарали меҳнат қувончидан қимкинган боши осмонга етмаган дейсиз. Шарафли қайноқ меҳнат самараси кишининг юзини ёруғ қилади, уни янги ишларга илҳомлантиради.

Бугун пойтахт областимиз пахтакорларининг ҳам юзлари ёруғ, диллари қувончларга тўла «Оқ олтинни» йнгиб-териб олиш бўйича шиммага олинган мажбурият шараф билан бажарилди. Бу юксак зафар йил бўйи қилинган фидокорона меҳнатнинг натижаси ўлароқ қўлга киритилди.

Областимиз пахтакорларининг улкан муваффақияти каттаю-кичик — ҳаммамиз беҳад мамнун қилди. Бу хабар бошқа касб эгалари қатори биз шифокорларни ҳам қувонтириб юборди. Шифокорларнинг пахта йнги-терим даврида дала меҳнаткашларига кўрсатган тиббий ва амалий ёрдамлари катта бўлди. Биз бундан кейин ҳам азамат дала заршунослари сиҳат-саломатлигидан кўз-қўлоқ бўлиб тураверамиз.

Олий ҳимматингизга белли, азиз меҳнатсевар пахтакорлар! Сизларга ҳаммиза зафар ер бўлаверсин.

А. ОБИДОВ,

медицина фанлари доктори, профессор.



БИЗ ҲАМ ЕЛКАДОШ

Пойтахт область пахтакорларининг 430 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини уйиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари ҳақидаги хушхабар бизнинг коллективимиз аъзоларини ҳам гўл туҳнуд этди. Миришкор дала меҳнаткашларининг бу улкан ғалабасида бизнинг ҳам муносиб улушимиз борлиги билан фخرланамиз.

Корхонамиз коллективни дала тўрдачилари учун қўллаб-йиги сўғориладиган ерлар очиб бериш, мавқуд экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, тўққизинчи беш йиллик планларини мўддатидан илгарти ортиғи билан адо этди. Ўтган даврда 10 минг гектардан зиёд ер ўзлаштирилди. 31 минг гектардан зиёд майдоннинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Бу ишлар пахтакорлар учун «оқ олтин» етиштиришни қўллаштириш ва ҳосилдорликни ошириш йўлида кенг имкониятлар очиб берди.

Биз олтин қўлди заршуносларни улкан ғалаба билан чин юракдан муборакбод этиб, уларнинг пахтачиликни ривожлантириш йўлидаги курашларида янада улкан зафарлар тилаймиз.

С. УМУРЗОҚОВ, «Ташоббуслиюводострой» қўрилиш трестининг 4-механизациялаш ва икчма колоннаси бечончиси.

ҲАММАМИЗ ПАХТАКОР

ЎЗБЕКИСТОНДА ҳамма пахтакор. Бу таъдир фарқи мизнинг оғзимизга сиғиб кетган. Эрта баҳордан то кеч кўзгача заршунос деҳқонларимиз пахта ишларида мардона меҳнат қилишляди. Фақат улар эмас, балки иш-

Беш йилликнинг дастлабки йилида колхозимизда қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтадан 32 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил бу рақам олти-етти центнерга кўнайди. Шунга яраша колхозчиларнинг моддий ва маданий турмуши яхшиланди. Қишлоқлар обод бўлди. Янги маданий-маиший муассасалар ишга туширилди.

Қишлоқ ҳўжалигини интенсир ривожлантириш, — уни комплекс механизациялаш, химиялаштириш даражасига бoғ-ландир. Бу соҳада ҳам кўзга ташланарли ишлар амалга оширилмоқда. Пахтачиларни комплекс механизациялашга алоҳида эътибор берилди. Илгори таърибга, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш — пахта ҳосилдорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ё-инини йилларда пахтачиликда прогрессив метод ва усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳўжалигимизда чипитни ёпишса кенг қўлдан олишга ўтди, ҳосилдорликни оширишда натта резерв эналгилар.

ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИМАН

Тилларанг товланар ҳар битта япроқ, Тиллага қўшилган ўзбекининг қўзи-Қаранг ер юзини қоплаган олоқ, Пахтаининг оқлиги — ўзбекининг юзи.

Тунар чаноқларда мийтираб турган Ҳар тола пахтакор қўзининг нури. Ердасас, ҳаттоки, фазода кўрган Билади, бу саҳий юракнинг қўри.

Ҳар чаноқ севишман, бахт яратувчи Ўзбек деҳқонининг беш бармоғидай. Заҳматли меҳнатдан тахт яратувчи Халқимизнинг пахтаси — оқ юракдай.

Дунё ташвишидан, офтобда қуйиб, Пахтасини оқартган азамат ўзбек.

Ким сенинг ҳимматинг эсламас суюб, Ким меҳринг авайлаб асрамас қўздек.

Ичиб етилгандир ҳар тола пахта Деҳқон баданидан тўқилган терини. Пахтадир болалар кўрган ялк мактаб, Ҳаққи йўқ, севамасдан ҳар қарич ерин.

«Оқ олтин» майдони ичра тугилиб, Оқ мато йўртгақа ўралганим дам: Олтинзор даламини ондай билиб, Пахтазор ҳидини туйганман мен ҳам

Не қилай, ҳар нечўк фарзандиман ахир, Кунингга ярамай қолсам хафаман. Шаҳарини қолдириб, дил тўла меҳр, Пахтазор қўйинга топишб топаман.

Қамбар УТАЕВ.

ТЕХНИКА ҚУДРАТИ

аниқланди. Биз йилдан-йилга кенг қаторлаб экинни қўлай-тириш билан бирга мўл ҳосил олаётимиз. Ўтган ҳўжалик йилида ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил олинди. Бу планда белгилангандан ўн центнер кўп, демаски.

Пахтачиларни химиялаштириш ҳам унинг тез сўрғатлар билан ўсишига ёрдам бермоқда. Чипит аниқда гербициддан фойдаланиш, туфроқ унмўлдорлигини оширишда минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, ҳосилдорлигини ўсишига илдий таъсир кўрсатмоқда. Гербицид пахтага ишлов беришда отир қўл меҳнатини қамайтириш билан бирга унга сарфлангандан харажатларни қисқартиришга олиб келди. Натижада пахта таннарни арзонлашти. Пиланда белгилангандан бир-бир ярим

миллион сўмдан кўп соф фойда олмақдамиз. Бу йил планда белгиланган 1 миллион 700 минг сўм ўрнига 3 миллион 100 минг сўм даромад олиш мўлжалланмоқда.

Ҳўжалигимизда беш йиллик халқ ҳўжалик планлари барча соҳалар бўйича тўрт ярим йилда ошириб бажарилди. Давлатга пландаги 16 минг 900 тонна ўрнига 25 минг 500 тонна пахта, 1910 тонна ўрнига 2190 тонна сўт, 36 минг 600 килограмм ўрнига 42 минг 900 килограмм пилла, 314 тонна ўрнига 338 тонна гўшт, 876 тонна ўрнига 1100 тонна шол ва бошқа қўллаб-субзаёт, дон маҳсулотлари етказиб берилди.

Беш йилликнинг якуновчи йилида пахтакор чорвадор ва пиллакорларимиз ақолий меҳнат намуналарини кўрсатди-

лар. Ҳозиргача 1450 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33,5 центнердан ҳосил йнгиб олинди. Давлатга 3900 тонна ўрнига 4840 тоннадан ортиқ сифатли «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар бир машина билан ўртача 140 тоннадан пахта терилди.

Колхозимизда 45—50 центнерлар ҳаракати йил сайин кенгаймоқда. Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган пахтакор Таласбой Ғафоров бошлиқ бригада деҳқонлари социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида ер бўйи астойдил меҳнат қилдилар. Натижада шу кўзгача планда белгиланган 30 центнер ўрнига 48 центнердан ортиқ пахта топирилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Пулат Тошхўнаев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳосилдорлигини

45 центнерга етказдилар. Собир Ширинов, Холдибой Юсупов бошлиқ бригадаларда ҳам ҳар гектардан пландаги таъқари 10—13 центнердан пахта сотилди.

Йилгитерим даврида механизаторлар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишди. Фахриддин Эгамбердиев, Курбон Тошхўнаев, Ойхўжа Сайдахмедов, Барим Турсунбоев қабилар 120—140 тоннадан ошириб пахта тердилар.

Партияимизнинг навбатдаги XXV съездида муносиб меҳнат тўғрйлари ҳозирлаётган колхозимиз деҳқонлари ҳосилни сўғити грамматича йнгиб-териб, давлатга топиришмоқдалар. Ҳосилдан бўлган майдонлар ўғитланиб, шудгор қилинмоқда. Ҳамма бир тав бир жон бўлиб, коммунистик мўл-кўлдининг яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

К. ЭГАМБЕРДИЕВ,

Оқўрғон районидаги «Ленинбод» колхозининг раиси.

ДАЛВАРЗИН ДУРДОНАСИ

ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ Бекободда йирки ва бақувват ладиган полосода қайрағоқ, ҳўжаликлардан бири. Пахта таёрлашда доимо олдинда боради. Колхозчилар шонли беш йилликнинг якуновчи йилида ҳам байроқдорликни қўлдан олишда доимо эътирляпти. Ҳар йили янги ер ўзлаштирилиб, экин оборотига киритилмоқда. Бу йил бажаришда ҳам катта четлари, экин майдонларининг четараларидан бўз ерлар ва ариқ-зорвларнинг бўйларини ҳисобига 8 гектар ер колхоз ишлаб чиқариш оборотига киритилди.

Колхоз далалари Далварзин саҳросига туташиб кетган. Чўлга 30-йилларда бошланган кўжум ҳамон давом эттирилляпти. Ҳар йили янги ер ўзлаштирилиб, экин оборотига киритилмоқда. Бу йил бажаришда ҳам катта четлари, экин майдонларининг четараларидан бўз ерлар ва ариқ-зорвларнинг бўйларини ҳисобига 8 гектар ер колхоз ишлаб чиқариш оборотига киритилди.

Бу йил 1500 гектар ерга чипит кенг қаторлаб экилди, 700 гектар майдонга туқисизлантирилган чипит қадалди. Экин ва парвариллаш техникаси дала бошида ремонт қилинди. Иссиқ оқват улўзиски етказиб бериб турилди. Механизатор ва сувчилар махсус кийим-бош билан таъминландилар. Қишлоқ Совети сессияси қарорин билан колхозда ўғган қиш ичи ҳўжаликнинг раҳбар ва мутахассис кадрлари учун иқтисодий ўқув таъшиқ қилинди. Ўқув машғулотлариде бригадирлар, звено бошликлари, мутахассислар, етакчи механизатор ва сувчилардан иборат 75 киши қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш экономикасини ўрганишди.

Ҳар йили колхоз экинларига шамол-бўрон эрозиясини жиндий ҳавф соларди. Энди бу ҳавф бартарф этиладиган бўлди. Колхоз правлениеси (раис, депутат Х. Ҳамроқуллов) ва партия ташкилоти (секретари Ҳам) депутатлар билан бамаслаҳат равишда

А. АБДУКАРИМОВ, меҳнаткашлар депутатлари Келинин номида қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, Бекобод райони.

Катта пахта хирмонининг яратилишида кўп минг килограммчи теримчиларининг ҳиссаси ҳам катта бўлди. Сурагда: Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг теримчиларида 3. Турсунбоева, (пастда) Т. Улфанова, С. Аршановалар.

А. Тўраев фотолари.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

Қишлоқ архитектурасини ривожлантириш борасида Ўзбекистонлик меъморларнинг ҳам мунисиди улушлари бор. Улар сериуси республикада қишлоқларда бўлган бинолар бунёд этиш билан боғлиқ катор муҳим муаммолар устида жиддий иш олиб бормоқдалар.

Тошкентлик архитекторлардан Ф. Ашпафий, Н. Аббасов ва В. Немировскийларнинг «СССР архитектураси» журналида босилиб чиққан мақоласи ҳам ана шу муҳим масалалардан бирини бағишлаган. Бу элнинг иш архитекура муаммоларига бағишланган Москвада ўтказилган Бутунитифоқ конкурсига таъмин қилинди.

Яқинда иккидун снов патикалари эълон этилди. СССР Архитекторлар Союзининг Тошкент бўлими томонидан илмий ишнинг мунисиди тақдирлади, муаллифларга мунофотлар берилди.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Тошкент область журналистлар ташкилоти правдасида еш журналистлар билан учрашув кетаси бўлиб ўтди. Учрашувда сўзга чиққан «Совет Ўзбекистони» газетаси редактори М. Қориев, «Ленин байроғи» газетаси редактори А. Исмаилов, «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори А. Исмаилов ва «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари И. К. Костиков ўрқолар журналистлик касби масъулияти, тўплаган тажрибалар ва қаламқашлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирдилар.

Кечада еш журналистларга тантанали равишда СССР Журналистлар Союзининг аъзолик билетлари топширилди.

ОБОРОТ

САФАРДА ДУРАНГ

СССР терма командаси футболчилари Бухарестда Руминия терма командаси билан учрашиб, ўйинни 2:2 ҳисобида дуранг қилди. Аввалига ёққан қор, сўнгра қаттиқ совуқ ўйинга таъсир қилди. Майдон агалари бешинчи минутда (Трой) ҳисобини очдилар. 44-минутда эса Колотов ҳисобини

теглаштирди. Иккинчи бўлим бошлангичи билан Қориев уатган ўйини Қориев дарвозага киритди. Матч тугашига олти минут қолганда мезбонлар (Хайнава) жавоб тўпи киритиб, умумий ҳисобни дуранг қилишга муваффақ бўдилар.

ТЎРТ ДАЪВОГАР

Чимкентда келаси йил мамлакат биринчилиги учун «А» класини биринчи гуруҳида қатнашишга даъвогарлик қилаётган олти қозғида ўртасидаги баҳс давом этмоқда. Учинчи тур ўйинларидан кейин Махачқаланинг «Динамо» командаси билан «Ланхутининг «Гурия» футболчилари йўлаларини қўлга киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўдилар. «Гурия» олти очкодан фақат биттасини қўлга киритди. «Динамо» эса уч ўйиннинг ҳаммасида енглди. Рингнинг «Даугава» футболчилари «Гурия» кол-

лективини 1:0 ҳисобида енгиб, беш очко билан пешқадамликни қўлга олдилар. «Янгнер» «Динамо» командаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида устун келди ва очколарини тўрттага етказди. Ягона тўлини Александр Гоголини киритди. «Терек» билан «Стрелъ» баҳси 1:1 ҳисобида тугади. Бу нисқа команда ҳам уч турдан кейин тўрттадан очко тўлади. Бугун пайдарбади тур ўйналади. «Янгнер» «Даугава» билан, «Гурия» «Стрелъ» билан, «Терек» «Динамо» билан учрашади.

СССР БАСКЕТБОЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

СССР баскетболчилар терма командаси Америка Қўшма Штатлари бўйлаб ўтказган сафарини тугатди. Совет спортчилари сўнгги ўн туртинчи учрашувини Канзас штатида маҳаллий университет коман-

даси билан ўтказиб, 78:75 ҳисобида устун келдилар. Шундай қилиб, совет спортчиларининг Америка Қўшма Штатлари бўйлаб ўтказган турнири умумий 9:5 ҳисобида бизнинг фойдамыга тугади.

БУГУН СЎНГГИ ТУР

Бугун Азмидин Хўжаев хотираси соврини учун ўтказилаётган анъанавий шахмат турнири нисҳосенга етади. 14-турда қуйдаги натижалар қайд этилди. М. Мухин Ивановни, Г. Азизов Масловни, Е. Мухин Борисенкони мағлуб этди. Лутиков билан Қаюмов, Рудерфер билан Демьенев, Воронников билан Логин-

нов, Цимрюк билан Цейтлин партиялари кечиктирилди. 14 турдан кейин 13 нмкониятдан 9 очко олган Михаил Мухин пешқадамлик қилмоқда. М. Рудерфер эса 14 нмкониятдан санкиз очко тўлади. Қаюмов билан Лутиковлар ҳисобида 7,5 тадан очколар бор.

ЎРКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 13.45 — ТОШКЕНТ. 15.30 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Муаллифлар. 18.35 — Иттиҳодий ёлмилар клуби. 19.25 — «Абсолют». 19.40 — Европа ўғарини. 20.40 — «Абсолют». 21.00 — Концерт. 22.00 — «Вакт». 22.30 — Тележурнал. 23.00 — Концерт. «Вино, кор» — Юлий Урал. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.45 — МОСКВА. 18.15 — Концерт. 19.00 — Янгилар. 19.15 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қилдилар. 19.30 — Концерт. 19.40 — Шахмат турнири (Тошкент). 20.00 — Телефильм. 20.40 — Улар Ва-тан учун нафг қилганлар (спек-

такля). 22.00 — Хўжалик фильм. 22.30 — Спектаклнинг ав-вони. 23.45 — Фигуралар учини бўйича қалқаро мусобақалар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Болалар учун фильм. 20.35 — Ўқитувчи акра-ни. 21.05 — Фильм-концерт. 21.30 — Тошкент аянгилари. 21.50 — Ҳи уч терак кўчаси (ба-дний фильм).

Унутилмаган кўшиқ — «ҚОЗО. ГИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ. ЛИГИ» (тоқ соатларда). САЊЪАТ САРОНИ (қундуз ва не-қурун). Бобби — НАВОНИ воли (уа-бек-талида, қундуз ва не-қурун). Бўлиши мумкин эмас — «КОМ. СОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (қундуз ва не-қурун). Олийжаноб ўғри — «ЎЗБЕК. НОН» (скупт соатларда).

ТОШКЕНТ САЕХАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ
4 ДЕКАБРАН БОШЛАБ
«ДИЙОРОМ» МАХСУС ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА
УРТА ОСИЕНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ —
САМАРҚАНД ВА БУХОРОГА



САЕХАТ
ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

УЧ КҮНЛИК САЕХАТ ДАВРИДА ТУРИСТЛАР ТАРИХИЙ ЕДГОРЛИК. ЛАР ВА ҚАДИМГИ МЕЪМОРЧИЛИК САЊЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШАДИЛАР.
Путёвка баҳси — 35 сўм.
ПУТЕВКА ВАХОСИГА: поездда бериб келиш ва яшаш, кунига уч марта вагон-ресторанларда ояқталаниш, шаҳардаги экскурсия хизматлари ҳам кирди.
ПУТЕВКАЛАРНИ НАҚД ҚЎЛГА ВА ҚЎЛ ЭЪЛАНИШ ЯЊЪ БИЛАН ТОШКЕНТ САЕХАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИДАН ОЛИШ МҮМКИН.
Муронаат учун адрес: Тошкент шаҳар — 78. Параллар аллалей, 5-й, Телефонлар 32-53-18, 52-53-59.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ФИЛЬМЛАРНИНГ КИНОФЕСТИВАЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ПОЯТХАТ КИНОТЕАТРАЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА ҚҮЙДАГИ ФИЛЬМЛАРНИ НАМОНИШ ҚИЛАДИ

2—7 ДЕКАБРЬ КҮНЛАРИ

«Унутилмаган кўшиқ»

ЯНГИ, КЕНГ ФОРМАТЛИ БАДНИЙ ФИЛЬМ.

Сценарий муаллифлари — Ф. ХУНАЕВ, Д. ХОЛЕНДРО.

Постановкани режиссёр — Р. БОТИРОВ.

Ролларда: Р. САЪДУЛЛАЕВ, С. СУХОВЕИ, К. ГОЛОВКО, П. КОРМУ.

НИН, А. ЛЕНЬКОВ, Ю. БАТАЛОВ, Б. ВЛАДИМИРСКИЙ, Г. ГАРБУН.

В. СИЧКАРЬ ва бошқалар қатнашадилар.

ФИЛЬМ МАШАҚҚАТЛИ УРУШ ЯУЛЛАРИДАГИ УЧРАШУВЛАР. ҚАРДОШЛИК ВА СЕВГИ ТҮҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

8 — 14 ДЕКАБРЬ КҮНЛАРИ

«АСОСИЙ КҮН»

Сценарий муаллифлари — У. УМАРБЕКОВ, И. ҲАМРОЕВ.

Постановкани режиссёр — И. ҲАМРОЕВ.

Ролларда: Ю. КУЗЬМЕНКОВ, Д. ОМАЕВ, Р. АДАШЕВ, Л. ЗУБОВИЧ ва бошқалар қатнашадилар.

ФИЛЬМ ПЕТЕРБУРГДАН ЎЗБЕКИСТОНГА 30-ЙИЛЛАР БОШИДА ҚИШЛОҚ ДЕҲҚОНЛАРИГА БИРИНЧИ ТРАКТОРЛАРНИ ҲАЙДАШГА УРГАТИШГА КЕЛГАН ИШЧИ ҲАЕТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.



15 — 21 ДЕКАБРЬ КҮНЛАРИ

«Қалдирғочлар баҳорда учиб келади»

Сценарий муаллифлари — М. ҚОРНЕВ, Х. АХМАР.

Постановкани режиссёр — Х. АХМАР.

Ролларда ИСКАНДАР ҲОЖИНАХМАР, ЗУҲРИДДИН РЕЖАМЕТОВ, БАҲОДИР ҚОРНЕВ, ПОКИЗА ИСЛОМОВА ва бошқалар қатнашадилар.

ФИЛЬМ УЧ НОВЕЛЛАДАН ИБОРАТ: ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНЛАРИ — ТАБИАТГА, УРМОН, ТОҒ ВА ДАЛАЛАРДАГИ ҲАММА ТИРИК ЖОНИ. БОРЛАРГА ЭҲТИКОРЛИК БИЛАН ҚАРАЙДИЛАР.



29 ДЕКАБРЬ — 4 ЯНВАРЬ КҮНЛАРИ

«ПОЙГА АВТОМАШИНАЛАРИДАГИ ДОВЮРАК БОЛАЛАР»

Сценарий муаллифлари — Я. ФИЛИППОВ, Д. САЛИМОВ.

Постановкани режиссёр — Д. САЛИМОВ.

Ролларда: Р. УРАЗАЕВ, Д. КАРАКАШЕВА, Ф. АХМЕДОВ, Б. АХМАДЖОНОВ, О. БУРҲОНОВ, Б. АННАНОВ, Э. МУҲАММАДЖОНОВ ва бошқалар киро этадилар.

БУ ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНЛАРИ — 14—15 ЕШЛИ БОЛАЛАР БУЛИБ, УЛАРНИНГ ҲАММАСИ УЛАРНИНГ ШАХСИЙ КОНСТРУКЦИЈА АСОСИДА ПОЙГА АВТОМАШИНАЛАРИНИ ЯРАТИШГА БЕРИЛГАНЛАР. УЛАР ҲАДДАН ТАШҚАРИ ТЕЗЛИК ҲАҚИДА ВА ХАЛҚАРО МУСОБА. ҚАЛАРДА ҒАЛАБАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА УЙЛА. ДИЛАР.



ДУНЁ ОВОЗИ ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ПОРТУГАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ КОМИССИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ЛИССАБОН. 29 ноябрь. (ТАСС). Португалия Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг эълон қилган баёнотида, жумладан, айтадики, кейинги кунлардаги воқеалар ҳарбийлар, умуман барча революцион кучлар орасида сўл кучларнинг оғир мағлубиятга учраганидан далолат беради. Шу билан бир вақтда бу воқеалар реакция кучларига манфаатли бўлиб чиқди, реакция ҳарбий қўриги табалқалар орасида ҳамда давлат ҳокимияти оғирларни системасида позицияларини таъминлаб олмоқда. 1974 йил 25 апрелдан кейин мамлакатда қарор топган еш. демократия учун реал ва бевосита ҳафф тугилди.

Бугун қиризе давомидида Коммунистик партия бу кризисни курали кучлар ҳаракати ичинда турли тенденцияларни бир-бирига яқинлаштириш ва яна бирлаштириш ҳамда ҳукуматдаги сўл кучлар позициясини мустаҳкамлаш, ҳукуматдан ҳалқ демократик партия-реакция партиясини чиқариб юбориш йўли билан кенг миёсда ҳал этишни каттиқ равишда талаб қилиб келди.

Баёнотда айтиладики, ке-

йинги кунлардаги воқеалардан инкита хулоса чиқариш лозим. Сўлбозлик радикализмнинг таъсирига тушиб қолганларнинг ҳаммаси учун фойдали биринчи хулоса шуки, сўл кучларнинг орасини бузиш, иттифоқлар тузишдан воз кечиш Португалия Коммунистик партияси билан курашнинг бундай сиёсатни ҳимоя қилаётганлар учунгина эмас, шу билан бирга революциянинг ўзи учун ҳам мағлубиятга олиб борадиган йўллар. Социалистик партия ва «тўққизлар гуруҳи» тасвирига берилаб, янги фашистлар диктатураси ўрнатилишга ҳалафит беришни нстаганларнинг ҳаммаси учун инкити хулоса шуки, реакция ва янгалар билан иттифоқ тузиш, сўлларга қарши кураш олиб бориш уларнинг уларини мағлубиятга олиб борадиган, демократик эркинликларни тугатишга ва революциянинг ҳалок бўлишига олиб борадиган йўллар.

Агар сўл ҳарбийларга қарши репрессиялар қилиш, прогрессив кайфиятдаги ҳарбий қисмларни тарқатиб юбориш, реакцияонерларни қўмондонлик лавозимларига тайинлаш, дарҳол тўхтатиш, маса, бу нарсас «тўққизлар гуруҳи» оғирасидан ёки

социалистик партия оғирасидан бораётган ҳарбийларни эмас, балки ўнг кучларнинг ҳарбий гегемонлик қилишига янги фурсатнинг ўзида ёқ олиб келиши мумкин.

Португалия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий комиссияси эркинлик, демократияни ҳимоя қилмоқ, контрреволюция кучларини олдинга силжитишни тўхтатиб қолмоқ учун қуйдаги мақсадлар йўлида курашшга даъват қилади: музокаралар олиб бориш йўли билан аҳолини сиёсий бартараф қилиш; репрессияларни, сўлларнинг қамоққа олишни, таъқиб қилишни ва тозалашни дарҳол тўхтатиш; контрреволюционерларнинг, айниқса «Португалия озодлик армияси» ва «Португалияни озод қилиш учун демократик ҳаракат» деб номланган кучларнинг ҳаракатларига қарши қаттиқ қоралар қўриш; Лиссабон ҳарбий окрутдаги фаёзулода ҳолати тевроқ бекор қилиш, бутун мамлакат территориясида граждандарларнинг ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини қайта тиклаш ва таъминлаш.

ЭЪТИҚОД УЧУН СУД ҚИЛМОҚДАЛАР

ЛОНДОН. 1 декабрь. (ТАСС). Англия жамоатчилиги бундан санкиз ҳафта муқаддам марказий жиноят судида бошланган суд мажлиси сабабли жиддий ташвишланмоқда.

Ҳукумат маъмурлари ўн бир эркак ва уч аёлни Шимолли Ирландиядаги инглиз солдатларини «ўз бурчларини бузишга» ундаш марсадида «фитна қилишга» киргиздилар, деб айбоб қўра қўрсенга ўтказиб суд қилишмоқдалар. «Англияни Шимолли Ирландиядан чиқариб юбориш гуруҳи» деган ташкилот варақалар тарқатгандан кейин шу иш юзасидан тергов бошланди. Бу варақа Олстерда хизмат қилишни нстамаётган ва шу вилоятга тақдор жүнатилишдан қўтилиб қолиш

имкониятини излаётган ҳарбий хизматчилар учун атаган эди.

Суд судланувчиларининг «айбони» исботламоқ учун «Исёнга гил-қилоччилар» тўғрисидаги 1934 йилги қонундан (уша вақтнинг ўзидаёқ лейбористлар партияси бу қонунга қатъиян қарши чиққан эди), шунингдек фитна тўғрисидаги ўрта аср қонунидан фойдаланди.

Суд биноси олдида бундай суд қилинаётганлигига қарши ўтказилган норозилик намоийишда лейбористлар партиядан парламентга сайланган беш аъзо ҳам катнашди.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

Орган Ташкентского обкома КП Ўзбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.